O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 27-IYUL ■ SESHANBA ■ 88 (27.263) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЧИНГИЗ ТЎРАҚУЛОВИЧ АЙТМАТОВГА

Ҳурматли Чингиз Тўрақулович,

Даволаниш жараёни муваффақиятли ўтгани ва саломатлигингиз яхшилангани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда қониқиш ва хурсандлик билан кутиб олинди.

Сиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда юксак обрў-эътибор ва катта ҳурматга сазовор бўлгансиз. Мен ўзаро мулоқотларимизни ҳамиша мамнуният билан ёдга оламан ва учрашувларимизни истиқболда давом эттириш учун кўплаб қулай имкониятлар бўлишига умидворман.

Серқирра маҳоратингизнинг Ўзбекистондаги кўпсонли мухлислари ва шахсан ўз номимдан Сизга, муҳтарам Чингиз Тўрақулович, тез кунларда тўла соғайиб кетиш ҳамда ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга қайтишни чин дилдан тилайман.

Сизга юксак ҳурмат ва фаол умргузаронлик тилаклари билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## АҚШ ГЕНЕРАЛИНИНГ ТАШРИФИ

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).** Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони генерал Жон Абизаид Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз мудофаа маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов билан музокарада Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Мазкур масалаларда томонларнинг фикрлари муштарак экани таъкидланди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**







## «БАХМАЛ» МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

Самарқанддаги «Бахмал» —Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси хорижий сармоядорлар билан ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириб келмоқда. Жамоа шу йилнинг ўтган 5 ойи давомида бир ярим миллиард сўмлик чиройли, бежирим бахмал матолари ишлаб чиқариб, асосий қисмини экспортга жўнатди.

Корхонада ҳозирда салкам 600 киши иш билан банд. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар. Қулай иш шароитларига эга жамоа мавжуд технологияларни такомиллаштириш ва янгиларини ишга солиш ҳисобига маҳсулот сифатини яхшилашга муваффақ бўлмоқда. Айни кезда Қозоғистон ва Болтиқбўйи республикалари саноатчилари билан ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Марказий Осиё ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари миқёсида уюштирилаётган турли савдо кўргазмаларида корхона матолари айниқса, юқори баҳоланиб, янги-янги экспорт шартномалари имзоланишиға йўл очилаяпти.

**Суратларда:** йигирув цехи ишчиси Раъно Раҳматова; техника назорат бўлими ходимлари Зуҳро Холиқова ва Мавжуда Раҳимова; пешқадам ишчилар Ҳадича Ҳайдарова ва Майсара Саломова.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар.**

**Фармон ва ижро**

## МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА




**Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, озод ва обод мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашишдек эзгу мақсадларимизга эришишнинг муҳим ва зарур шартларидан бири таълим соҳасини миллий қадриятларимиз ҳамда халқаро андозаларга мос равишда чуқур ислоҳ қилишдан иборатдир. Зеро, юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш — ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу борада аниқ режали ва истиқболли сиёсат изчил амалга оширилмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, унинг талаблари муваффақиятли рўёбга чиқарилаётгани шундан далолатдир. Маърифий дунё эътибори ва эътирофини қозонган ушбу ноёб дастуриламал ҳужжат бугунги кунда ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади.**

**Шу билан бирга, бир неча ой илгари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг жорий этишга киришилди.**

**Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг маъно-моҳияти ва мақсади нималардан иборат? Президентимизнинг 2004 йил 19 февралдаги ушбу дастурни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармойиши, 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, мазкур Фармон талаблари ижроси йўлида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2, 9 ва 15 июлда қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти қандай?**

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туроб ЖЎРАЕВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири шулар ҳақида суҳбатлашди.**

— Мустақиллик туфайли кўпдан-кўп хайрли ниятларимиз рўёбга чиқмоқда, — дейди Т.Жўраев. — Айниқса, ота-боболаримизнинг асрий орзу-армонлари ушалиб, халқимиз истиқлол неъматларидан баҳра олаётган мана шу дориломон замонда бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ўтган даврда таълим соҳасига оид муҳим қонунлар, Президент фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминламоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ишлар, таълим тизимига киритилаётган янгиликлар бугун нафақат юртимиз аҳлининг, балки хорижий экспертларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биргина мисол — узлуксиз таълим тизимида бутунлай янги бўғин — академик лицей, касб-ҳунар коллежлари вужудга келганининг ўзиёқ бу фикримизнинг яққол тасдиғи.

Айни чоғда, ушбу Миллий дастурда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгалиги кўзда тутилган. Демак, дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш кўп жиҳатдан ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси, ўзаро уйғунлиги имкониятлари қандай эканлигига боғлиқдир. Шу маънода, узлуксиз таълимнинг бошланғич босқич ҳисобланувчи мактаб таълими талаб даражасида эмас эди.

Тўғри, ўтган йиллар давомида таълим тизимида кечган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ушбу вазифалар қайсидир маънода ечимини топди. Жумладан, таълимнинг турли бўғинлари ўртасида узвийлик ҳосил қилингани алоҳида диққатга сазовордир.

Янги дастуриламал ҳужжат — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бош мақсад этиб белгиланган.

2-3-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 июль.

✧ ✧ ✧

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида.
3. «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).
6. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. «Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатини ва Сенатининг аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири/.
11. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

✧ ✧ ✧

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига таааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Андижон вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов «Мамлакатимизда ўтказиладиган сайловлар муносабати билан ЎзХДП ташкилотларининг долзарб вазифалари» мавзуида маъруза қилди.

Музокараларда вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раисининг ўринбосари Абдуваҳоб Нурматов, вилоят ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича котибиятининг мудири Назиржон Саидов, Қўрғонтепа туман ҳокимининг ўринбосари Валижон Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, фаолликни ошириш, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалалари тўғрисида гапирдилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Саркаржон Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят партия кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод этилди. Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Рустамжон Тиллабоев Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан**

## ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР ҲАҚИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

**Водий дарвозаси аталмиш Поп туманининг марказидаги Маданият саройи тиббиётчилар, ўқитувчилар, саноатчилар, қуйингки, турли соҳа вакиллари билан гавжум бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов билан мулоқотга ошиққанлар фикр-мулоҳаза, турли саволларини баён этиб, жавоб олишга шайланишарди.**

**Сўз партия раҳбарига берилди. У Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури, сайловолди дастурига киритилаётган асосий масалалар, айрим ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечими бўйича тайёрланаётган таклифлар, сайловларда ҳалол, мардона, юрт равнақи, халқ фаровонлиги, эл тинчлиги, Ватан тараққиётини кўзлаган ҳолда иштирок этиш хусусида батафсил тўхталганидан сўнг мулоқот янада самимийлик касб этди.**

**Равзахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, 8-ўрта мактаб директори:**

— Бизнинг жамоамиз тумандаги нисбатан кичик жамоалардан. Мактабимизда 8 нафар Халқ демократик партияси аъзоси бор. Қадимдан қолган бир гап бор: обрў меҳнат билан топилади. Биз ЎзХДП аъзолари учун ифтихор қиладиган томонлар кўп. Масалан, Мустақилликка эндигина эришилган, айримлар ҳали қарамлик кайфиятидан чиқолмаётган паллада бизнинг партиямиз мамлакатимизда бошланган ислоҳотлар сиёсатининг моҳиятини оммага тушунтирди. Кейинги пасту баландликда, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк босқичларида халқнинг кайфиятини кўтаришга, умидлантиришга ҳисса қўшди.

Бугун кўппартиявийлик шароитида зиммамизда янада катта масъулият бор. Кеча майдонга кирган партия ҳам, биз ҳам сайловларда тенг шароит, имкониятлар билан қатнашамиз. Демак партиявий нуфузимизни сақлаб қолишимиз, ошириб боришимиз — кўп овоз олишимиз керак.

**Шоирахон АБРОРОВА, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, аёл эъзози, унга ҳамиша ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиш Ўзбекистон ХДПнинг доимий диққат марказида бўлди. Президентимизнинг яқиндагина хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги Фармони ижроси ҳам ЎзХДПнинг жойлардаги фаоллари иштирокида амалга оширилмоқда. Мен кўпчиликнинг бир эътирофини айтишим керак. ЎзХДП фақат сиёсий кампания — сайловлар пайтидагина эмас, доимий ишчан фаолият кўрсатади. Сайловларда аёллар иштироки албатта, фаол бўлади, ХДП ўз фаолияти даражасида ўрин топади, деган умиддаман.

Шундан сўнг, Марказий Кенгаш биринчи котиби ёзма равишда тушган саволларга хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ўқитувчиларга берилаётган компенсациялар, ногиронлар, Чернобиль ҳалокатида иштирок этганларнинг ижтимоий муҳофазасига қаратиладиган эътибор ва бошқа масалалар ҳақида ҳолис мулоҳазалар билан жавоб қайтарди.

Учрашув-мулоқотларда Наманган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева, Поп туман кенгаши биринчи котиби Меҳмонали Мирзатиллаев иштирок этдилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА



Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.

Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Казакбаев, Х.Ишматов, Е.Асланов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, М.Мирзакулов, Қ.Туйчиев, К.Сохоталиев, Ё.Умаров, К.Қаюмова, Ж.Нигманов, Ў.Ҳамроев, И.Тошпулатова, А.Зулпикаров дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Раислик қилувчи томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгач, Давлат айбловчиси, адлия катта маслаҳатчиси М.Солиҳов айбланувчиларга нисбатан айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Очиқ кўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

**(ЎзА)**

**Дилшод Юсупов (ЎзА) олган сурат**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

### Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Одамлар асрлар мобайнида адолатга асосланган ва зўравонликдан батамом холи бўлган давлатчиликни орзу қилиб келганлар. Халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг хоҳиш-иродаси билан эмас, балки фақат қонун асосида тартибга солинишини истаганлар.

«Куч адолатдадир», – деган ҳикматли гап буюк бобоколонимиз Амир Темур томонидан бежиз айтилмаган. Зеро, қонун устуворлиги адолат таъминланишининг асосини ташкил этади. Шунинг учун қонун устуворлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси деб эътироф этилади. Бу принцип жаҳондаги демократик мамлакатлар конституцияларида, шу жумладан Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб мужассам топганлиги боиси ҳам шунда.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги ва бу ҳуқуқ эркин амалга оширилишини таъминлаш ҳам демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири эканлиги маълум. Аслини олганда, сайлов – демократиянинг энг муҳим институти. Халқ хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий шаклларидан бири. Сайлов воситасида халқ давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этади. Мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрўси кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқлиги ва демократиклигига боғлиқ. Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, уларни такомиллаштириб боришга демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим белгиси сифатида қаралаётганлиги сабаби ҳам шунда.

Маълумки, 2002 йилги референдум якунларига кўра, бизда учта конституциявий қонун қабул қилинди, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Бу мўътабар ҳужжатлар ўз навбатида мамлакатимиз парламентига сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳам қайта кўриб чиқилишига олиб келди. Натижада Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат парламентига сайлов тўғрисидаги қонун халқ иродасига, яъни референдум якунларига жавоб берадиган янгича мазмун касб этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунни такомилига етказиш чоғида халқаро ҳужжатларда акс эттирилган ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлайдиган барча энг муҳим нормалар сақлаб қолинди. Булар хусусан яширин овоз бериш йўли билан тенг, умумий ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи, сайловда хоҳиш-иродани эркин билдириш, сайлов ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари, яъни мажоритар тизим бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилишини кафолатлайдиган нормалар, палаталар ваколатларининг бир хил муддатини (беш йил) белгилайдиган қоидалардир. Қонунда сайлов округлари ва участкаларини тузиш тартибини, сайлов комиссияларининг ваколатларини, уларнинг ишини ташкил этиш, сайловолди ташвиқоти, овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш тартибини белгиловчи нормалар, шунингдек демократия талабларига жавоб берадиган бошқа бир қанча нормалар сақлаб қолинди ва бунда, табиийки, конституциявий қонунларда белгилаб қўйилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинди.

Шу ўринда биздаги мавжуд мажоритар сайлов тизимининг хусусиятлари ва афзалликларига батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз кўринади.

Мажоритар сайлов тизимида мамлакатнинг жами сайловчилари округларга деярли тенг миқдорда бўлинган бўлади ва ҳар бир округдан бир депутат сайланади. Бундай тизимнинг уч тури мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда нисбий кўпчиликка асосланган тизим, мутлақ кўпчиликка асосланган тизим ва малакали кўпчиликка асосланган тизим деб аташ мумкин.

Нисбий кўпчиликка асосланган мажоритар тизим – бу сайлов ўтказилган округда овоз бериш натижасида рақибига нисбатан кўпроқ овоз олишга муваффақ бўлган номзод сайланган деб ҳисобланадиган тизимдир.

Мутлақ кўпчиликка асосланган мажоритар тизим қўлланилганда сайланиш учун сайловда иштирок этган сайловчиларнинг оддий, яъни, шунчаки кўпчилиги овозини олиш кифоя эмас, балки бунда албатта мутлақ (50 фоиз + 1 овоз) кўпчилиги овозини тўплаш лозим бўлади.

Малакали кўпчиликка асосланган мажоритар тизимда сайланиш учун зарур бўлган овозларнинг миқдорига нисбатан қўйиладиган талаб жуда юқори (масалан, овозларнинг учдан икки қисми миқдорида) бўлади. Амалиётда сайловнинг биринчи туридаёқ овозларнинг бундай миқдорини олишнинг иложи йўқ, шу сабабли бўлса керак, ушбу тизим демократик мамлакатларда деярли қўлланилмайди.

Бизнинг мамлакатимизда дастлабки икки тизим, яъни нисбий кўпчиликка ва мутлақ кўпчиликка асосланган мажоритар тизим амал қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги амалдаги қонун 44-моддасининг учинчи қисмида айтилганидек, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади. Ушбу қонун 45-моддасининг иккинчи қисмида белгилаб қўйилишича, такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади. Бу, шубҳасиз, бизнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларимизнинг баъзи ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Бизда Марказий сайлов комиссияси мустақил орган бўлиб, мамлакатимизнинг бутун ҳудудида Олий Мажлисга бўлиб ўтадиган сайловни ташкил этади. Марказий сайлов комиссиясини тузиш, унинг ваколатлари ва фаолият олиб бориш тартиби қонунда аниқравшан белгилаб қўйилган ҳамда барча зарур талабларга жавоб беради.

Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз сайлов тизимининг таркибида муҳим ўрин тутади.

Сайлов комиссиясининг тизими эса қонуннинг 9-моддасида таърифлаб ўтилган бўлиб, у хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

— Марказий сайлов комиссияси;

— округ сайлов комиссиялари;

— участка сайлов комиссиялари.

Шу ўринда Марказий сайлов комиссияси доимий тарзда фаолият кўрсатишини таъкидлаш лозим. Округ ва участка сайлов комиссиялари эса депутатлар рўйхатга олингандан кейин ўз ишини тўхтатади. Марказий сайлов комиссияси Сенатни шакллантиришда иштирок этади, бошқа сайлов комиссияларининг эса Олий Мажлис юқори палатасини шакллантиришга дахли йўқ.

Қонуннинг яна бир хусусияти унда сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари бирон-бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмаслиги белгиланганлигидир. Шунингдек, депутатликка номзодлар ҳам сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий вакиллик органлари ҳамда давлат ҳокимияти органларининг муайян тарзда иштирок этиши сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларимизнинг яна бир ўзига хос, фарқланиб турувчи хусусияти ҳисобланади. Хусусан, қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан (қонун 7-моддасининг иккинчи қисми), сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан (қонун 8-моддасининг учинчи қисми) тузилади. Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилганидек, округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар эса халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайловни ўтказишдаги бундай иштироки сайловчилар учун кўпроқ қулайликлар яратиш, шунингдек сайловнинг ўтказилиши ёки унинг якунлари чиқарилишига мазкур органлар томонидан бўладиган таъсирни камайтириш мақсадида, яъни имкони борича ҳаққоний натижаларга эришиш учун белгиланган.

Мазкур қонуннинг Сенатни шакллантиришга бағишланган бўлими нормаларини ишлаб чиқишда «Ўзбекистон Республикасининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун талабларига таянилганлиги табиий. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай, айни шу органлар депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Қонунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган киши Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин. Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти овоз берувчиларнинг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлажак парламентимизнинг юқори палатаси аъзоси бўлишнинг қонунда белгиланган ёш чегараси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг баъзи депутатлари Сенатга сайланиш имкониятидан фойдалана олмаслигини англатади. Негаки, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлигига номзодлар учун белгиланган чегара — 21 ёшни ташкил этади.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, сайлов тўғрисидаги янгиланган ва жаҳондаги илғор демократик мамлакатларнинг шу хилдаги қонун ҳужжатлари билан тенг бўйлашадиган қонунларимиз асосида жорий йилнинг охирида ўтадиган сайлов жаҳондаги демократик давлатлар ҳамжамиятида Ўзбекистон ўзининг муносиб ўрнига эга эканлигини яна бир бор рўй-рост кўрсатади. Энг муҳими, сайлов фуқароларимизга ўзларининг сайлаш ва сайланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг реал имкониятини яратади.

Шубҳа йўққи, сайлов мамлакатимизда ҳақиқий профессионал парламентга ўтиш ва шунга монанд равишда замонавий парламент тартиб-таомиллари ҳамда анъаналарини шакллантириш ва ривожлантириш, қонун чиқарувчи органнинг давлат ҳокимияти мустақил тармоғи сифатида тутган ўрни ва ҳуқуқий мақомини изчиллик билан мустаҳкамлаб бориш имконини беради. Шу зайл ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини рўёбга чиқариш механизмларининг такомиллаштирилиши таъминланади.

Пировардида шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, сайлов тўғрисидаги қонунларимизда халқимиз бугунги ҳаёти ва анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари мужассам топган бўлиб, улар барча фуқаролар ва сиёсий партияларга давлат ҳамда жамиятни бошқаришда иштирок этиш учун кенг имконият очиб беради.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси**

### Фармон ва ижро

# МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**— Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури яратилишига сабаб бўлган асосий омиллар ва жараёнлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Маърифатга интилиш — халқимизнинг азалий фазилатларидан бири. Фарзандларимизни билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам қилиб вояга етказиш, миллий истиқлол ғоясини улар қалби ва онгига сингдириш, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунда мактабларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Демак, мактаблар моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, муаллим ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш масалаларига янада жиддий эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисида соҳадаги мавжуд вазиятни танқидий таҳлил қилар экан, мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ғоясини илгари сурди. Юртбошимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини асло унутмаслигимиз даркор.

2004 йил 19 февралда Президентимизнинг Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирларига доир Фармойиши эълон қилинди. Қисқа фурсатда барча мактаблар Фармойишда кўзда тутилган йўналишлар бўйича бугунги замон талаблари асосида батафсил ўрганиб чиқилди. Хусусан, авария ҳолатидаги мактаб бинолари, мукаммал ва жорий таъмирлашга муҳтож мактаблар, қурилиши тугалланмаган объектларнинг номма-ном рўйхати тузилди.

Мактаб биноларининг лойиҳа бўйича ўқувчи ўрни ва амалдаги ҳолати, шунингдек, ўқув жараёнларининг неча сменада олиб борилиши, мактаблардаги коммуникация ва иситиш тармоқларининг аҳволи, синф хоналарининг сони, уларнинг зарур мебеллар билан таъминланганлик даражаси ва ҳолати аниқланди. Фанлар бўйича синф хоналарининг мавжудлиги, уларнинг кўргазмали қуроллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, жумладан, компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси ҳақида хулосалар тайёрланди.

Фанлар бўйича ўқитувчилар таркиби, уларнинг маълумоти ва тоифаси, кутубхоналарнинг аҳволи ва дарсликлар, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар билан нечоғли таъминланганлиги кўриб чиқилди. Мактаблардаги очиқ спорт майдончалари ва ёпиқ спорт залларининг аҳволи, ободонлаштириш каби масалалар чуқур таҳлил этилди.

Шу йил 11 май куни Оқсаройда ўтган мажлисда Махсус комиссия бу борада бажарган ишларнинг дастлабки натижалари таҳлил этилди. Президентимиз мактаб таълимини ривожлантириш йўлида узоқни ўйлаб қилиниши лозим бўлган, миллат, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ғоят масъулиятли вазифалар олдимизда турганига, бу ишларнинг барчаси ҳар томонлама пухта, аниқ ва режали асосда ташкил этилиши зарурлигига эътиборимизни қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йил 9 июлда қабул қилинган «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор аввало ана шу аниқ мақсад-муддаоларни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир.

**— Дастур қамраб оладиган беш йиллик даврда қандай ишлар амалга оширилиши назарда тутилмоқда?**

— Ушбу Давлат умуммиллий дастури бўйича бажариладиган барча юмушлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг ажралмас ва узвий давомидир. Дастурнинг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари, биринчи навбатда, мактаб таълим тизимини тубдан яхшилашни, замон талабларига мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилишини, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида барча болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилишини, ўқитувчилар меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилишини кўзда тутади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 июлдаги қарори билан ушбу Дастурни амалга ошириш тадбирлари маъқулланди. Унда, хусусан, мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари ва дарсликлар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, мактаблар спорт базасини мустаҳкамлаш ва унда спортни ривожлантириш каби кўплаб тадбирлар, бу вазифаларни бажариш муддатлари ва ижрочи ташкилотлар белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ 2004-2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ҳамда 2004 йилда бюджет маблағлари ҳисобига янги умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати, мактабларда спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқланди.

Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифалар талабидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳар бир туман мисолида альбомлар тайёрланди, туман хариталари яратилди. Беш йил давомида мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади.

Шу ўринда, янги қурилажак мактаблар, деганда фақат янги мактаб бинолари қурилишинигина эмас, балки ана шу биноларнинг зарур ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ янгидан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилишини эслатиб ўтиш жоиздир. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ушбу таълим ўчоқлари ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ҳолда 12-18 ойда бунёд этилади.

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони ҳам шу тахлит йилдан-йилга ўсиб, 2009 йилга қадар 780 минг 391 ўқувчи ўрнига эга 2 минг 313 та мактабни қамраб олади. Бунда муайян қурилиш элементлари ҳисобига мактабнинг ички ва ташқи кўринишига ўзгартиришлар киритилади. Зарур жойларда спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча бинолар қуриш шулар жумласидандир. Бу турдаги юмушлар бажарилган мактаблар ҳам янги ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланади.

Мактаб биносининг ички ва ташқи кўринишида 40 фоиздан 70 фоизгача ўзгартириш ясалиши зарур бўлган ишлар капитал таъмирга муҳтож мактабларда олиб борилади. Бундай юмушлар иншоотни тўрт ой ичида тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, иситиш тизимида амалга ошириладиган ишлар, бино томларини замонавий талаблар негизида таъмирлаш жараёнларини қамрайди.

Жорий таъмирлаш ишлари эса мактаб аҳволига қараб, 3 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган мактаблар охирги ўн йил ичида қурилган бўлиши керак.

**— Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ушбу хайрли ва савобли юмушларга ҳимматли ҳамюртларимиз ва ҳомий ташкилотлар, хориждаги дўстларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз ҳисса қўшиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ҳисобга олинганми?**

— Албатта. Оқсаройда ўтган мажлисда Юртбошимиз ана шу масалаларга батафсил тўхталиб, саховатли инсонлар ва ҳомийларнинг Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришдаги иштирокини кенг рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси худди шу мақсадлар ижобатига қаратилган. Ҳимматли кишилар ва ташкилотлар ўз кўмагини пул ва товарлар, иш ва хизматлар тарзида амалга ошириши мумкин. Яъни, фуқароларимиз ва ҳомий ташкилотлар Жамғарма воситасида ўзлари хоҳлаган таълим муассасасига ёрдам бера оладилар. Дейлик, кимдир мактабга қўшимча ўқув биноси қуриб бермоқчи. Бу юмуш Жамғарма кўмаги орқали намунавий лойиҳа ва белгиланган тартибда қулай ҳамда тартибли тарзда амалга оширилади.

Президентимиз Фармонида мактаб таълимини ривожлантиришдек эзгу мақсад йўлида ҳомийлик ёрдами кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган ҳомийлик маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базадан чегириб ташланиши назарда тутилган. Бу ушбу йўналишдаги мақсад ва хайрли юмушларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига яна бир мисолдир.

# КИМСАНБОЙ АКАНИНГ КАШФИЁТИ

### қўлланилса арзон, экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш мумкинга ўхшайди



Турмушда электр энергияси қадри ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани сир эмас. Аммо «наҳот арзонроқ, қулайроқ ва экологик тоза электр қуввати ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса?» деган савол Жалолқудуқ тумани «Ойим» ширкат хўжалигидаги Далварзин маҳалласида яшовчи Кимсанбой Мирғозиевга тинчлик бермасди. Ҳар нарсага калит ва йўл, бу — илм эканлигини билган Кимсанбой бўш вақти бўлди дегунча кутубхоналардан, тажриба майдонларидан чиқмади.

Катта бир заводнинг оддий бир ишчиси ниҳоят ўз кучи ва ақл-заковати билан бутунлай ноанъанавий, ноандоза янги шамол двигатели моделини кашф этди: узунлиги 16 метр, кенглиги 10 метр, баландлиги ҳам шу ҳажмда, умумий оғирлиги 3 тонна, 99 фоиз металлдан иборат бу двигатель секундига 2,5-3 метр тезликда эсаётган шамолда ҳам электр энергияси ҳосил қиладиган бўлди...

— Ихтиро ҳозир саноат нуқтаи назаридан тайёр, — дея тушунча беради Кимсанбой ака. — У ниҳоятда арзон. Автоном электр энергияси ишлаб чиқарувчи манба сифатида назаримда дурустгина кашфиёт... Россиянинг «Останкино» телерадиокомпаниясининг биринчи каналида «Технодром» дастурида қатнашиб, иқтисодий ва техник ҳисоб-китобларининг аниқлиги ҳамда амалий натижалари таниқли мутахассисларга маъқул тушган... Ундан юртдошларим баҳра олсин, фойдалансин деб Ватанга қайтдим. Қариндош-уруғларим, маҳалладошларим бағоят бағрикенглик билан кутиб олишди. Синфдош дўстим двигателимни яратиш учун жой берди. Монтаж ишларига ҳамма қишлоқдошларим қарашиб турдилар. Мана, кўриб турибсиз, намунавий шамол двигатели тайёр...

Унинг ўз кашфиётининг дунё миқёсидаги аҳамияти ҳақида ҳам ўзига хос кузатишлари, таҳлиллари бор:

— Колифорниядаги (шамол кучида айланиб) бири-бирига боғлиқ ҳолда ишловчи 16 минг парракли мослама йилига 1500 миговатт электр қуввати ишлаб чиқаради, — дейди у сўзида давом этиб, — шамол двигателининг ўзи бу миқдордаги электр энергиясини бир соатдаёқ ишлаб чиқара олади... Америкада эса 1 киловатт электр энергиясини кўмир ёрдамида ҳосил қилиш 7 центга тушади. Ўртача шамол двигателида олинган 5 киловатт электр энергияси 1 центга тўғри келади...

Шамол двигателини баландлигини яна кўтариш ёки уни ён томонларига яна кенгайтириш эвазига энергияси ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳам мумкин...

Кимсанбой аканинг кашфиётига ҳозир Андижонда кўпчилик қизиқиш билан қараётир. Двигателни кўп қаватли уйларнинг томига, қир-адирликларга ўрнатиб ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун у жуда қўл келиши аниқ. Чунки, янгилик яратилди. Энди гап — мазкур шамол двигатели хусусидаги якуний сўз ва ҳал қилувчи хулосани холисона айтиш — республикамизнинг малакали мутахассисларида қолди, холос.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратда:** Кимсанбой Мирғозиев; двигателнинг умумий кўриниши.

**Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар**



### Халқ демократик партияси ҳаётидан

# ЁШЛАР ВА САЙЛОВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар маркази ўз аъзолари ва бошқа фаол ёшларнинг севимли масканига айланиб улгурди.

Кеча бу ерда «Бўлажак сайловларда ёшларнинг иштироки: ҳуқуқий асослар ва халқаро тажриба» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Ёшлар маркази аъзолари, ёш партия ходимлари, БПТ котиблари, ёш журналистлар иштирок этдилар.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов «Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартлари контестида» мавзуида маъруза қилди. Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлари вакили Питер Юза эса ўз мамлакатидаги сайлов қонунчилиги, сайлов ўтказиш жараёнлари, уларда сиёсий партияларнинг фаолияти тўғрисида гапириб берди.

**Савол:** Сайлов бўйича халқаро стандартлар дегани нима? Ўзи, умуман, шундай стандартлар борми?

**Жавоб:** Бор. Инсоният тарихида сайловлар тўғрисида қонун яратиш буюк Француз революциясидан кейин бошланган. Бундаги энг асосий янгиликлардан бири ва кескин курашлар, баҳсларга сабаб бўлган нарса аёлларга сайловда қатнашиш ҳуқуқининг берилиши бўлган. АҚШ Конституцияси қабул қилингандан 157 йилдан сўнггина унга аёлларга сайловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи норма киритилган. Бундан кўриниб турибдики, аёлларга сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи кейинчалик берилган.

Умуман олганда сайловлар тўғрисида қонунчилик дастлаб миллий даражада шаклланган. Ҳар бир давлат ўзи сайлов тўғрисида қонун яратган.

Энди савол туғилади: қачон сайлов тўғрисидаги масала халқаро даражага кўтарилди? Қисқа қилиб айтганда, иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон жамоатчилиги, халқаро ташкилотлар бунга алоҳида эътибор қарата бошлади. Шулардан бири БМТдир. У томонидан ишлаб чиқилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт», «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт» ва ҳоказоларда сайловларга оид нормалар ҳам акс этди. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, халқаро миқёсдаги 20 га яқин ҳужжатларда сайловларга оид қоидалар мустаҳкамланган. Халқаро ҳужжатлардаги ана шу қоидалар сайловларга оид халқаро стандартларни ташкил этади. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳонда ҳамма мамлакатлар учун мажбурий бўлган ягона сайловга оид ҳужжат йўқ.

XIX асрда тузилган «Парламентлараро Иттифоқ» деган халқаро ташкилот бор. Унга дунёнинг 145 давлати аъзо. Шу ташкилот 1994 йилда «Эркин ва адолатли сайловлар мезони тўғрисида декларация» қабул қилган. Унда қайси сайлов эркин, қайси сайлов адолатли деб айтилади ва ҳоказолар акс этган. Аммо бу декларация ҳам тавсиявий характерга эга.

**Савол:** Бу ҳужжатлар асосан қандай принципларни ўзида акс эттиради?

**Жавоб:** Уларда асосан тўртта принцип қатъий мустаҳкамланган: умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайловларда қатнашиш.

Умумий сайлов ҳуқуқи деганда, ҳеч чекланишларсиз барчанинг (18 ёшга тўлмаганлар, суд томонидан озодликдан маҳрум этилиб, жазо ўтаётганлар ва суд томонидан ҳуқуқий муносабатларга лаёқатсиз, деб топилган шахслар бундан мустасно) сайловларда иштирок этиши, тенг деганда эса ҳар бир шахснинг фақат битта овозга эга эканлиги тушунилади.

Тўғридан-тўғри сайлов деганда, оддийгина қилиб тушунтирилганда мана биз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашимиз тушунилади. Биз депутатларни тўғридан-тўғри ўзимиз сайлаймиз. Энди икки поғонали сайлов ҳам бор. Бунда, биз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини тўғридан-тўғри сайлаймиз, улар сенаторларни сайлаши тушунилади. Яширин овоз бериш нима эканлиги ўз-ўзидан аён.

**Савол:** Сайлов эркинлиги деганда нималар тушунилади.

**Жавоб:** Ҳеч ким, ҳеч кимни сайловда қатнашасан ёки қатнашмайсан, деб мажбур қилиши мумкин эмас. Хоҳлаган одам қатнашсин, хоҳлаган одам қатнашмасин. Бу ҳар бир шахснинг сайлов жараёнидаги эркинлиги.

Сайловларда онгли равишда қатнашмасликка апсинтизм дейилади. Бу ҳам ҳуқуқ, эркинлик, демократиянинг бир белгиси.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозаралар билан ўтган семинар-тренинг якунида ташкилий масалалар кўрилди. «Ўзбекистон овози» газетасининг «Парламент ва ҳуқуқ» бўлими мудири Акбар Жонузоқов Ёшлар маркази кенгашининг раиси, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Дилноза Сатторова Кенгаш раисининг ўринбосари этиб, шунингдек 15 кишидан иборат кенгаш аъзолари ҳам сайландилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Шеър ва шуур**

# Қуёш нури билан отади тонглар



**ШУКРУЛЛО,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*Ҳамду сано бўлсин номингга, Тангрим,*
*Табаррук ёшга ҳам етдим саломат.*
*Қуёш нури билан отаркан тонгим,*
*Ўзинг пана бўлдинг, соҳибкаромат.*

*Фориғ этмак учун ахир гуноҳдан*
*Виждон, инсоф қилдинг бандангга ато.*
*Афсус, бор эканки, дунёда шайтон,*
*Асло бўлолмадик беайб, бехато.*

*Жаллод қиличининг тиғи остида*
*Шайтон ғолиб келиб, ёлғон сўзладим.*
*Золим ўлганида атрофга боқиб,*
*Ҳатто баъзилардек зўрдан бўзладим.*

*Нақадар заҳарли қиличнинг тиғи,*
*Нақадар золимнинг амри бешафқат.*
*Мақтов мартаба-ю, нафснинг тузоғи*
*Кимларни домига тортмаган фақат.*

*Қай бахтли, сен севган бандангг топилур,*
*Гуноҳлардан холи беайб, бенуқсон.*
*Худонинг жаннатий бандаси бўлур*
*Тилин тазарруга келтирган инсон.*

* * *

*Оқшом келаман, деб келмадинг гўзал,*
*Бир баҳона бўлди кеча ёққан қор.*
*Ёлғонга баҳона топилар ҳар гал,*
*Яхшики қуёш бор, яхшики қор бор.*

*Муштоқлик, термулмоқ занжирсиз азоб,*
*Ҳеч қарам қилмасин бировга бир кун.*
*Тонг отди, кун ботди, йўқолди офтоб,*
*Кутмоқнинг наҳотки оқибати тун?*

*Тоқатинг тоқ бўлиб, пичоқнинг дами*
*Ёлғонда чархланса, умрга завол.*
*Сени банд этаркан висолнинг ғами,*
*Бошингда айланиб қийнар бир савол:*
*Ёлғон?.. Ёлғон?.. Ёлғон!*

## Хаёл

*Кулиш ҳам, йиғлаш ҳам табиий бир ҳол,*
*Ҳаёт дегани бу тун ила тонг-ку.*
*Қаттиқ кулгидан ҳам ёш чиқар дарҳол,*
*Кўздан ёш оқизар, албатта, қайғу.*

*Ўзингни овутма, бахтиёрман, деб,*
*Ҳамиша эсмайди ёқимли сабо.*
*Баҳор келиб, қорлар кетади эриб,*
*Қор ёғар ғунчалар устига гоҳо.*

*Биламан, бу гапда на бир фалсафа,*
*На бир янги гап бор айтарлик таҳсин.*

*Булар ожизликдан чиққан сафсата,*
*Ўзини овутиш, ўзига таскин.*

*Кимдир бахт ҳақида гоҳо керилиб,*
*Ўзича қилгандек кўкнори хаёл,*
*Қолган чоғларимда ёлғиз ўтириб...*
*Сочимдек тўзғитар фикримни хаёл.*

* * *

*Тушингни сувга айт, деган нақл бор,*
*Кўнгил ғашлигидан бўласан холи.*
*Кўчамнинг ёнидан ўтарди анҳор,*
*Тебранар қирғоқда экилган толи.*

*Нақадар оромбахш тикилмоқ сувга,*
*Оқизиб кетади дардингни бутун.*
*Аксингни кўрасан худди кўзгуда,*
*Тикилганинг сари сен унга беун.*

*Наҳот, умр сувдек ўтмоқда оқиб,*
*Бир томчи сувчалик тегдими фойдам?*
*Кундан-кун қирғоғи борар торайиб,*
*Наҳот, қисқармоқда шундай умр ҳам.*

*Шовуллаб қайгадир, шошар баъзида,*
*Нимадир қилгандек менга ишора:*
*Шон-шуҳрат, унвон, деб чопдинг беҳуда,*
*Эй, шоир бечора, шоир бечора.*

* * *

*Қуёш ботиб, шафақдан*
*Олам ёнарди гўё.*
*Айрилиқдан, фироқдан*
*Сенга тор бўлди дунё.*

*Йиғлама, кўз ёшингдан*
*Кўксимга тушди оташ.*
*Олам, шафақдан эмас,*
*Уни ёндирган — кўз ёш.*

*Тўкилмасди кўз ёш ҳам,*
*Агар бўлмаса риё.*
*Шафақ эмас, зинодан*
*Ёниб тугайди дунё.*

*Фаришта қиз, сен куйма,*
*Барча гуноҳлар куйсин!*
*Риёкор, гуноҳкорлар,*
*Бари гўлаҳда куйсин!*

*Бу дунёга сиғмаса,*
*Агар сен тортган алам.*
*Қалбимни қўшиб берай*
*Шундан кенгайса олам.*

**Китоб жавонингизга**

# ШАХС ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ




Бозор муносабати шароитида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шахс фаоллигини ошириш, маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

Фалсафа фанлари доктори Сайёра Тўйчиеванинг **«Бозор иқтисодиёти муносабатлари ва шахс ижтимоий фаоллиги»** номли китоби **(Тошкент. «Адолат». 2004 йил)** айнан бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий маданият ва маънавий маданиятнинг шахс ижтимоий фаоллигини шакллантиришдаги аҳамиятини ўрганиш масалаларига бағишланган. Китобнинг I боби жамиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш шароитида маънавий маданият ва шахс ижтимоий фаоллиги муносабатларини тадқиқ қилишнинг назарий ҳамда услубий асослари деб номланади. Ушбу бобда муаллиф Президентимиз И.Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг ўзбек моделини бозор муносабатлари тамойили асосида таҳлил қилиб, уни жамиятда маънавий маданият юксаклиги ва фуқаролар фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Рисоланинг II боби бозор муносабатлари шароитида маънавий маданият ва шахс ижтимоий фаоллигини шакллантириш манбалари мавзусига бағишланган бўлиб, муаллиф бу долзарб масалага алоҳида тўхталади ҳамда бозор муносабатлари шароитида мулкдорлар синфининг ижтимоий фаоллигини ошириш ўта муҳим эканлигига алоҳида урғу беради. Мулкчиликнинг моҳияти ва мазмунини чуқур изоҳлаш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилганлигини батафсил баён қилади.

Китобда инсон фаровонлиги йўлида жамиятдаги ўзгаришлар, мансабдор шахсларнинг меҳнатга янгича ёндашуви, янгича тафаккур ва янгича фикрлаш масалалари ҳам ўрин олган. Муаллифнинг бу борада ўзи ўтказган социологик тадқиқотлари якунлари айниқса эътиборга молик. Хусусан, Жиззах вилоятидаги шаҳар, туман ҳокимларининг ташкилотчилик қобилияти, ишбилармонлик, ахлоқий ва инсоний хислатлари бўйича респондентлар билдирган фикрлар ва уларнинг таҳлили китобхонларда қизиқиш уйғотиши, табиий. Мазкур бобда ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтириш масаласи ва бу соҳада мамлакатимизда олиб борилаётган ижобий ишлар кўламлари ифодаси ҳам жонли ва қизиқарли берилади.

Шунингдек, китобнинг сўнгги III боби мустақиллик шароитида маънавий ҳаётнинг эркинлашиши негизида шахс ижтимоий фаоллигини шакллантириш омиллари масалалари ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф бозор муносабатлари шароитида оиланинг тарбиявий салоҳияти ва унинг жамиятда тутган ўрнига кенг эътибор қаратади. Оила, бола тарбияси, ота-оналарнинг вазифалари ва ижтимоий фаоллигини оширишда маҳалланинг ўрни масалаларига бағишланган мушоҳадалар ҳам ўқувчилар диққатини тортади.

**Абдуғафур САТТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Хожимурод-Бобур» хусусий фирмаси «Мевасабзовот гўшт-сут савдо» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ким Пен Хва кўчаси, 76-уй. Тел: 92-41-33



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
**«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»**
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Маҳсулот сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru



# ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚАДИ

Кутилганидек, XIII Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларининг кейинги тур учрашувлари терма жамоаларнинг нималарга қодир эканликларини кўрсатиб бермоқда. Мусобақанинг «А» гуруҳидан жой олган Хитой терма жамоаси илк учрашувда Баҳрайн футболчилари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаб, ўз мухлисларини бироз ҳаяжонга солиб қўйганди. Кейинги турларда Индонезия (5:0) ҳамда Қатар (1:0) терма жамоаларини қийинчиликсиз мағлубиятга учратган мезбонлар ишқибозлар меҳрини қозондилар. Қатарликлар билан (1:1) дуранг ўйнаб, Индонезия футболчиларини (3:1) енгган Баҳрайн терма жамоаси эса 5 очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади. Энди мазкур гуруҳ пешқадамлари қуръага кўра, чорак финалда «С» гуруҳи ғолиблари билан куч синашади.

**«А» ГУРУҲИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Хитой | 3 | 2 | 1 | 0 | 8-2 | 7 |
| 2. Баҳрайн | 3 | 1 | 2 | 0 | 6-4 | 5 |
| 3. Индонезия | 3 | 1 | 0 | 2 | 3-9 | 3 |
| 4. Қатар | 3 | 0 | 1 | 2 | 2-4 | 1 |

Агар ўйинлар тақвимига кўз югуртирсак, бу галги чемпионат баҳсларида бироз ўзгариш борлиги билинади. Жумладан, гуруҳ ўйинлари кетма-кетлигига барҳам берилган. Одатда, бундай мусобақада «А» гуруҳидан сўнг, «В» гуруҳи жамоалари куч синашарди. Аммо Хитой яшил майдонларида «С» гуруҳи терма жамоалари чорак финалчилар номини иккинчи бўлиб аниқлаб беришди. Ўзбекистон терма жамоаси айнан шу гуруҳда баҳсларга киришганлигидан хабарингиз бор.

Дастлабки турда Ироқ футболчиларини мағлуб этган ҳамюртларимиз Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ҳам барқарор ўйин намойиш этдилар. Агар футболчиларимизнинг саудияликлар билан ўтказган учрашувларини эсласак, бу терма жамоалар мазкур чемпионатгача расмий мусобақаларда ўзаро икки маротаба рўбарў келишганди. Илк бор 1994 йил Хиросимада саудияликларга қарши майдонга чиқиб, 4:1 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалаба қозонган. Сўнгра 2000 йил Ливанда уюштирилган қитъа чемпионатида ўтказилган иккинчи ўйинда вакилларимиз йирик 0:5 ҳисобида мағлубиятга учраганди.

Бу галги учрашув ҳам ниҳоятда кескин ва муросасиз ўтди. Ўйин олдидан терма жамоамиз таркибида бир қатор муаммолар пайдо бўлганлиги мураббийларни анча ташвишлантириб қўйди. Дастлабки учрашувда ҳимоячи Бахтиёр Ашурматов жароҳат олиб, икки ўйинда иштирок эта олмаслиги маълум бўлганди. Устига устак Алексей Николаев ҳам майдондан четлатилганди. Шундоқ ҳам ҳимоячилари танқис бўлган жамоамиз кучли рақибга қарши тўп суриш олдидан кучсизланиб қолди. Илк ўйинда таянч ярим ҳимоячи вазифасида ўйнаган Асрор Аликулов Ашурматовнинг ўрнини эгаллади. Марказий ҳимоячи Андрей Фёдоров, чап қанот ҳимоясида Николай Ширшов тўп сурди. Ярим ҳимоячилар сафига Тимур Копадзе қўшилди. Қолган чизиқларда биринчи учрашувдаги таркиб майдонга тушди.

Туркманистон терма жамоаси билан ўтган ўйинда қимматли очколарни йўқотган саудияликлар кучайтирилган таркиб билан ҳаракат қилиши табиий эди. Илк дақиқаларданоқ устунликни ўз қўлларига олишга интилган рақибларимиз ҳужумга киришиб кетган бир пайтда ҳамюртларимиз қарши ҳужум уюштирди. Учрашувнинг 12-дақиқасида икки ҳимоячи қаршисида турган Александр Гейнрих кутилмаганда узоқдан зарба берди ва тўп дарвоза тўрига бориб тушди — 1:0.

Қолган дақиқалар рақибларимиз фаоллиги остида ўтди. Вакилларимиз асосан ҳимоявий усул қўллаб, вақти-вақти билан ҳужум уюштириб турди. Ўйин давомида Саудия Арабистони футболчилари бир неча бор чиройли ҳужумлар уюштиришди. Лекин ҳайриятки, ҳисоб ўзгармай қолди. Натижада Ўзбекистон футболчилари чемпионатдаги ўн олти терма жамоа ўртасида биринчи бўлиб чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи турда гуруҳнинг иккинчи ўйини Ироқ ва Туркманистон терма жамоалари ўртасида ўтказилди — 3:2.



Кеча эса футболчиларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни қўшниларимиз Туркманистон вакилларига қарши ўтказдилар — 1:0. Ҳамюртларимизга ғалаба келтирган ягона тўпни иккинчи бўлимда Миржалол Қосимов киритди. Эътиборлиси, терма жамоамиз ўзбек футболи тарихида илк маротаба Осиё чемпионати чорак финалига йўлланма олди. Учта бир хил ҳисобдаги ғалаба ва юз фоизлик натижа!

Саудия Арабистони ва Ироқ терма жамоалари учрашуви эса «С» гуруҳидан чорак финалга йўлланма олган иккинчи бахтли жамоа номини аниқлаб берди — 1:2. Энди 30 июль куни ўтадиган чорак финал учрашувларида Хитой — Ироқ, Ўзбекистон — Баҳрайн терма жамоалари кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боришади.

**«С» ГУРУҲИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Ўзбекистон | 3 | 3 | 0 | 0 | 3-0 | 9 |
| 2. Ироқ | 3 | 2 | 0 | 1 | 5-4 | 6 |
| 3. Туркманистон | 3 | 0 | 1 | 2 | 4-6 | 1 |
| 4. Саудия Арабистони | 3 | 0 | 1 | 2 | 3-5 | 1 |

Бугун «В» гуруҳидаги сўнгги турнинг Иордания — БАА, Жанубий Корея — Қувайт терма жамоалари учрашуви ўтказилади. Бу гуруҳда дастлабки ўйинларда имкониятни бой берган Бирлашган Араб амирликлари вакиллари аллақачон кейинги босқичга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Қолган учта терма жамоанинг имкониятлари эса тенг баҳоланмоқда.

Эртага эса «Д» гуруҳидаги Уммон — Таиланд, Япония — Эрон терма жамоалари учрашуви билан сўнгги чорак финалчилар номи маълум бўлади. Ушбу гуруҳда ҳам БАА сингари Таиланд терма жамоаси кетма-кет икки ўйинда ютқазиб, чорак финал йўлланмаси учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлдан чиқарган. Иккита ғалабага эришган Япония футболчилари эса Ўзбекистон терма жамоасидан сўнг иккинчи бўлиб кейинги босқичга чиқди. Улар сўнгги турда эронликларга қарши тўп суришади. Чорак финалга йўлланма олиш учун эса Эрон футболчиларига бир очко кифоя қилади. Бироқ, сўнгги турда Эрон терма жамоаси учун дуранг натижани қайд этиш ҳам анча мушкул. Чунки, Уммон футболчилари билан ўтган ўйиндан (2:2) сўнг ОФК қарорига кўра, терма жамоанинг тажрибали уч футболчиси — Раҳмон Ризойи, Али Бадавий, Муҳаммад Нусратийлар бир неча учрашувга қўйилмайдиган бўлди. Рақиб футболчиси билан муштлашгани боис, Ризойи ва Бадавийларнинг ҳар бири 3500 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайди ҳамда икки ўйинда майдонга тушишмайди. Уммон ҳужумчисининг оёғига тепгани учун Нусратий 7000 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга мажбур ва у энди тўртта учрашувни майдон ташқарисида кузатади.

**«В» ГУРУҲИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Иордания | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-0 | 4 |
| 2. Жанубий Корея | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-0 | 4 |
| 3. Қувайт | 2 | 1 | 0 | 1 | 3-3 | 3 |
| 4. БАА | 2 | 0 | 0 | 2 | 1-5 | 0 |

**«D» ГУРУҲИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Япония | 2 | 2 | 0 | 0 | 4-1 | 6 |
| 2. Эрон | 2 | 1 | 1 | 0 | 5-2 | 4 |
| 3. Уммон | 2 | 0 | 1 | 1 | 2-3 | 1 |
| 4. Таиланд | 2 | 0 | 0 | 2 | 1-6 | 0 |

**Эркин ХОЛБОБО,**
**Анвар САМАДОВ**

# УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ — ТОБЛАЙДИ, ТАНИТАДИ

Жорий йилнинг ёзи спорт мусобақаларига бойлиги билан ажралиб туради. Шу ойнинг бошида Португалияда футбол бўйича Европа чемпионати ниҳоясига етган бўлса, орадан кўп ўтмай футбол «байрами» Хитойга кўчди. Ўтган шанба куни эса Тошкентдаги Марказий ҳарбий спорт клубида яна бир катта мусобақа — ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича Биринчи Умумармия ўйинлари бошланди.



*Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат*

Ушбу ўйинлар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби мусобақалар қаторидан жой олиши аниқ.

Ҳарбий округлар, ҳарбий олий билим юртлари, қўшин турлари жамоалари миллий кураш, офицерлар учкураши, ҳарбий-спорт кўпкураши, кросс, қўл жанги, ҳарбий учкураш, футбол каби спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Мусобақаларни ўтказиш учун Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан олий тоифали ҳакамлар жалб этилган.

Умумармия ўйинларини ўтказишдан кўзланган мақсад — ҳарбий хизматчиларни оммавий спортга жалб этиб, уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, шу билан бирга армияда хизмат қилаётганлар орасидан маҳоратли спортчиларни танлаб олиб, катта спортга жалб қилишдан иборат.

Жисмонан чиниққан жангчигина барча қийинчиликларни сабот билан енгиб, олдига қўйилган вазифани бажаришга қодир бўлади.

Шу жиҳатдан Ватанимиз мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Биринчи Умумармия спорт ўйинлари ҳарбийларни янада toблашда, уларни мард ва жасур ўғлонлар қилиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга.

**Равшан ШОДИЕВ**

*Ҳурматли йўловчилар!*
**Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент**
*йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.*

**Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.**

**Тошкент — Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:**

- *умумий вагонда — 4 671 сўм;*
- *плацкарт вагонида — 9 034 сўм;*
- *купе вагонида — 14 796 сўм;*
- *СВ вагонида — 29 671 сўм.*

**Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.**

| Йўналиш жадвали | Жўнаб кетиш | Етиб бориш |
|---|---|---|
| №56 Тошкент — Шовот | душанба, 17.15 | сешанба, 13.20 |
| №56 Шовот — Тошкент | сешанба, 14.25 | чоршанба, 10.25 |

*«Ўзтемирйўлйўловчи» маъмурияти*



Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib
133-72-83
Reklama va e`lonlar
133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862
7307 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti —
2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA